
Никоҳ давомида орттирилган умумий мулкдаги улуш ундириб берилди

Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 18.07.2022 йил кунги ижро варақасига асосан Ўзбекистон туманида яшовчи Қ.Д. ва унинг турмуш ўртоғи Н.Д. лар томонидан никоҳ давомида орттирилган мол-мулклар ўртада тақсимлаш белгиланган

Хусусан, суднинг қарорига асосан жавобгар Қ.Д.дан даъвогар Н.Д.фойдасига биргаликдаги турмушлари даврида олинган “Спарк”, “Дамас”, “Нексия-3” русумли автотранспортлар ҳисобидан 74,5 млн. сўм ундириш белгиланган.

Ижро ҳужжати юзасидан Бюронинг Ўзбекистон туман туман бўлими томонидан олиб борилган ижро ҳаракатлари натижасида даъвогар Н.Д. фойдасига 74,5 млн. сўм ундириб берилиб, ижро ҳужжати амалда тамомланди.

Мажбурий ижро бюроси Ўзбекистон туман бўлими

2022-07-20 16:27:39